

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 192 (10.497)

2005 ЙИЛ 28 СЕНТЯБРЬ

**ПОЙТАХТНИНГ**  
*бир кунни*  
Янгиликлар, воқеалар

**ҚИСҚА**  
*сатрларда*

● **ЎТГАН** кунни Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ўзбекистон тарихи Давлат музейида "Устозлар, сизга таъзим!" мавзuida тадбир бўлиб ўтди ва унинг доирасида "Маъмун академияси - 1000 ёшда" номли кўрғазма ҳам уюштирилди.


● **КЕЧА** "Бунёдкор" ёшлар телеклубида "XXI аср ёшлари" мавзuida Даврон Эргашев ва Дилшод Каттабековлар билан ижодий учрашув бўлиб ўтди.

● **РЕСПУБЛИКА** кўғирчоқ театри жамоаси янги ижодий мавсумини бошлади. Ушбу тантанага Бағишлаб М. Худойкулов ва М. Ашуровалар ҳамкорлигида яратилган "Синдбод — денгиз сайёҳи" асари премьерасини томошабинлар илиқ кутиб олдилар.

● **БУГУН** "Камолот" ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан Тошкент шаҳар ўқувчилар ижодиёт марказида бўлиб ўтган тадбир пойтахт умумтаълим мактабларидаги "Камолот" бошланғич ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш, мактаб ўқувчиларининг жамоатчилик ишларида фаоллигини оширишга бағишланди.

● **КЕЧА** Шайхонтохур тумани меҳнат бўлими томонидан навбатдаги "Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар" меҳнат ярмаркаси ўтказилди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**



"Этьюкод" хусусий фирмаси тадбиркорларининг изланишлари асосида ишлаб чиқарилаётган мебель маҳсулотларининг рақобатбардош турлари ортиб бораётганилиги хариддорлари мамнун этмоқда.

**СУРАТДА:** Ақром Хайдаров ўз вазифасини сидқидилдан бажаради; бригада сардори Дониёр Солиҳов ва уста Қобул Мирзаев.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар

**XXI аср сағоси**  
Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

**Мамлакатимизда**

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов кеча Оксаройда АҚШ Давлат котибининг Европа ва Евроосий мамлакатлари бўйича ёрдамчиси Дэниел Фридни қабул қилди.

● Бугун академик В.Воҳидов номидаги Республика иختисослаштирилган жарроҳлик марказида Ҳамдўстлик мамлакатлари хирург-гепатологларининг "Жағар жасталикларини хирургик йўл билан даволаш муаммолари" мавзuida XII Халқаро конгресси ўз ишини бошлади.

● Кеча Тошкентда "Травеликс Групп" компаниясини расмий таништиришга бағишланган тақдимиёт маросими ва матбуот анжумани бўлиб ўтди.

● "Бухоро ремонт-механика заводи" корхонаси жамоаси нефть-газ тармоғи учун ишлаб чиқариладиган ностандарт жихозлар ҳажмини кўпайтирди. Ушбу корхона томонидан жорий йилнинг 8 ойи мобайнида 321 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

● Қизилқум бағрида жойлашган "Томди" қоракўччилик ширкат хўжалигининг "Роҳат" овулидаги 18-мактаб замон талабларига мос равишда қайта бунёд этилди. 160 ўқувчиға мўлжалланган мактаб қурилиши учун 70 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

**Жаҳонда**

● Мисрлик дипломат Муҳаммад ал Барадей ташкилотнинг бош конференцияси сессиясида ўтказилган овоз бериш натижаларига кўра учинчи бор МАГАТЭ раҳбари лавозимига сайланди.

● Кеча эрталаб "Дэмри" тўфони шиддат билан Вьетнамга хуруж қилди. Дахшатли тўфон тинимсиз ёмғир ва кучли бўроннинг келиб чиқишига сабаб бўлди. Бўрон электр симёгочлар ва дарактларни таг-томири билан кўпориб, кўллаб уйларни вайрон қилди.

● Монакода ўтказилган йирик сугурта компанияларининг бутунжаҳон конференциясида АҚШга "Катрина" тўфони етказган бевосита зарарининг қиймати эълон қилинди. У 125 миллиард долларни ташкил этган. Шу муносабат билан сугурта компанияларининг товон тўловлари микдодо рекорд даражасига етди.

● Япония соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотиға кўра, сўнгги беш йил ичида Кунчиқар мамлакатда 100 ёшли кесаларнинг сони икки баравар ошиб, ҳозирда 25606 кишиға етган. Шундан 83 фоизини аёллар ташкил этди. БМТ тахминига кўра 2050 йлға бориб Японияда 100 ёшға кирганлар сони деярли миллион кишиға етди.

## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОЛИҚ КОДЕКСИНИНГ 58-МОДДАСИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2005 йил 28 июнда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2005 йил 26 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган 396-И-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4-5-сонға илова №9, 241-модда; 1998 йил, №3, 38-модда, №5-6, 102-модда, №9, 181-модда, 1999 йил, №1, 20-модда, №5, 124-модда, №9, 229-модда; 2000 йил, №5-6, 153-модда; 2001 йил, №1-2, 23-модда, №5, 89-модда, №9-10, 182-модда; 2002 йил, №1, 20-модда, №4-5, 74-модда, №9, 165-модда; 2003 йил, №1, 8-модда, №5, 67-модда, №9-10, 149-модда; 2004 йил, №1-2, 18-модда, №5, 90-модда, №9, 171-модда; 2005 йил, №1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, №5, 152-модда) **58-моддасининг "с"** бандидаги "сотиб олиш, "Ўзуй-жойжамгармабанк"нинг шахси кўрсатилган уй-жой облигацияларини харид қилишга ва

шу мақсадлар учун берилган кредитларни узишга" деган сўзлар "сотиб олишга" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2-модда.** Белгилаб қўйилсинки, ушбу Қонун амалға киритилгунга қадар берилган фуқароларнинг иш ҳақи ва солиқ солинадиган бошқа даромадларининг "Ўзуй-жойжамгармабанк"нинг шахси кўрсатилган уй-жой облигацияларини харид қилишга ва шу мақсадлар учун берилган кредитларни узишга йўналтирилган суммасини солиқ солишдан озод қилишга доир имтиёзлар фуқаролар олган кредитлари бўйича қарзларини тўлиқ узишларига қадар сақланиб қолади.

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучға қиради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,  
2005 йил 27 сентябрь.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

27 сентябрь кунни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Депутатлар Қонунчилик палатасининг Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси М.Тешабоев тақлифига биноан Қонунчилик палатаси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Корея Республикаси Миллий Ассамблеяси билан ҳамкорлик бўйича гуруҳиға Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларини киритиш тўғрисида»ги масалани муҳокама этди ва бу ҳақда қарор қабул қилди. Мазкур масала муҳокамаси чоғида Олий Мажлисда бундай гуруҳнинг фаолият кўрсатиши икки мамлакат парламентларининг турли соҳалардаги ўзаро фойдали алоқаларини чуқурлаштиришга қўмаклашишни таъкидланди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоиловнинг маърузаси бўйича депутатлар Қонун-

чилик палатаси томонидан 2005 йил 14 июнда қабул қилинган, 2005 йил 26 августда Олий Мажлис Сенати томонидан рад этилган «Уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасида ислохотларнинг амалға оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун асосидан келишмовчиликларни бартараф этиш учун келишув комиссиясини тuzдилар. Муҳожмадан кейин Қонунчилик палатасининг уч нафар депутатини комиссия таркибига сайлаш ва келишув тартиб-тамоийларида иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикасини Вазирлар Маҳкамасининг вакилини тақлиф этишга қарор қилинди.

Қонунчилик палатаси томонидан 2005 йил 30 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 160-моддасига ўзгартиш киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси

Қонуни ҳақидаги ушбу ҳужжат 2005 йил 26 августда Олий Мажлис Сенати томонидан рад этилганлиги муносабати билан Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н.Исмоилов ахборот берди. Депутатлар ушбу қонунни Қонунчилик палатасида қайта кўриб чиқмасликка қарор қилдилар.

«Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгартишлар киритиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш масалаларига оид айрим қонун ҳужжатларини ўз кунини йўқотган деб топилган тақлиф этишга қарор қилинди. Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Собиржонов тақдим этди. Барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари иштирок этган муҳожмадан сўнг қонун лойиҳаси би-

ринчи ўқишда қабул қилинди.

«Баъзи давлат бошқарув органларининг қайта ташкил этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг аъзоси С.Разоқов маъруза қилди. Фикрлар алмашувидан кейин депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилдилар.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Собиржонов тақдим этди. Савол-жавоблар ва муҳожмадан кейин депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси О.Охунора «Ҳакамлар судлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг асосий қондалари ҳақида маълумот берди. Атроф-лича муҳокама жараёнида депутатлар қонун лойиҳасининг концепциясини кўллаб-қувватладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

(ЎЗА)

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ УЛКАН ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИ

Тошкентда 11-халқаро туризм ярмаркаси очилди. «Буюк Ипак йўли бўйлаб туризм» 11-халқаро сайёҳлик ярмаркасига ташриф буюрган кишиларни 100 га яқин мамлакатимиз ва чет эл компаниялари ўз хизматлари билан таништирмоқда.

Ярмарканинг «Ўзқўрғазмасавдо» мажмуида очилиши 27 сентябрда нишонланадиган Жаҳон туризм кунига бағишланди. У Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига мувофиқ «Ўзбектуризм» миллий компанияси ва «Буюк Ипак йўли» реклама агентлиги томонидан ўтказилмоқда.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси раиси Р.Қурбонов ярмаркани очар экан, унинг асосий мақсади — Ўзбекистон туризм соҳасининг имкониятлари ва истикболлари туғрисида жаҳон жамоатчилигини кенг хабардор қилиш эканлигини таъкидлади.

Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон туризм соҳасини ривожлантириш бўйича улкан салоҳиятга эга. Жаҳон тажрибасидан маълумки, бу соҳа иқтисодийнинг энг сардоронад тармоқларидан биридир. Дунёвий аҳамиятга мўллик озилаб тарихий ёдгорликлар, юртимизда яшайётган халқларнинг маънавий-этик мероси, осмонўпар тоғлар, дашт ва чўллари ўз ичига олган гўзал ва бетакрор табият ҳамда замонавий инфратузилма — буларнинг барчаси сайёрамизнинг турли бурчларида яшайдиган сайёҳларни Ўзбекистонга жалб қилмоқда.

Мустақилликка эришганимиздан сўнг Президент Ислоом Каримов ўлмас авлод ва замондошларимиз томонидан яратилган сайёҳлик салоҳиятидан имкон қадар кўпроқ фойдаланиш вазифасини илгари сурди. Бу нафақат мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига ёрдам беради, балки унинг халқаро майдондаги обрўини ҳам мустаҳкамлайди.

Ўтган йили Ўзбекистонга 261,6 минг хорижий меҳмон ташриф буюрди, бу 1996 йилдагидан 50,5 фоиз кўпдир. Бироқ уларнинг 13 фоиздан кўпрогига бевоқиф саёҳат мақсадида келган.

Вазиятни ўзгартириш учун нима қилиш керак? Тошкент халқаро

ярмаркаси қатнашчиларининг фикрича, бу кўп жиҳатдан учта асосий омилга боғлиқ — тармоқ инфратузилмасини ривожлантириш, бу йўналишда кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, жаҳон бозорига Ўзбекистоннинг сайёҳлик нуфузини юксалтириш. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 2006-2010 йилларда туризмни ривожлантириш давлат дастури лойиҳаси устида иш олиб боришмоқда, унда ушбу муҳим тармоқ фаолиятини яхшилаш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар белгиланган.

«Ўзқўрғазмасавдо» мажмуи одамлар билан гавжум. Ярмарка ташкилотчиларининг айтишича, икки кун ичида бу ерга қарийб 10 минг киши ташриф буюрди. Улар фаол ва саргузаштларга бой ҳордиқ, экологик ва спорт туризми йўналишлари, авиатранспорт, меҳмонхона, сугурта ва банк хизматлари, миллий ва минтақавий сайёҳлик ташвиқотлари, туроператорлар ва турагентлар фаолияти билан танишиш имкониятига эга бўлади.

Ярмарка қатнашчилари ўзларининг ахборот-реклама адабиётлари ва бошқа материалларни 96 та стендага жойлаштирди. Биринчи марта Тошкент туризм ярмаркасида дунёга машҳур Самарқанд, Бухоро, Хоразмиғина эмас, республиканинг барча ҳудудлари намойиши этилмоқда.

Ярмаркада йирик хорижий туризм компаниялари ҳам иштирок этмоқда. Улардан бири — «Incredible India».

— Туризм соҳасида Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдоримиз, — дейди компания вакили Каран Сингх. — Мамлакатларимизни қадимий дўстлик алоқалари, маданиятлар ва анъаналар яқинлиги боғлаб туради. Ҳиндистонда Ўзбекистоннинг маданияти, тарихи ва бугунги кунги билан танишишга иштиёқ катта. Республикангизда ҳам кўпчилик қадимий ва замонавий Ҳиндистон-

га қизиқшини биламан. Бу эҳтиёжни туризм ёрдамида қондириш мумкин. Тошкент халқаро туризм ярмаркасида қатнашиш бизга Ўзбекистон туризм бозори имкониятларини батафсил таҳлил қилиш, янги алоқалар ўрнатиш имконини бермоқда. Аминманки, бу алоқалар узок давом этади.

Ярмарка дастури жуда бой. Кўплаб тақдимот тадбирлари, давра суҳбатлари ўтказилиши режалаштирилган.

Жумладан, ярмарканинг биринчи кунинда сайёҳлар учун «Ўзбекистон» маълумотномаси, «Ўзбектуризм» миллий компанияси веб-сайти, «Туризм Ўзбекистана» йиллик журналининг навбатдаги сони тақдимот маросимлари ўтказилди. Халқ нарсамандлари ясаган буюмлар ва миллий либослар моделлари намойиши ёрқин воқеа бўлди. Бундан ташқари, ярмарка иштирокчилари туризмни ривожлантиришда реклама ва Интернетнинг роли мавзуда давра суҳбати ўтказди.

Ўзбекистондаги сўнгги сайёҳлик мавсуми уяқларига кўра дипломлари топишириш маросими ўтказилди. «Ички туризм бўйича энг яхши туроператор» номинациясида «Узинтур» компанияси диплом соҳиби бўлди. «Яксинатур» компанияси ташқи туризм бўйича энг яхши туроператор деб топил-



**А.ИВАНОВА, Ўза мухбири СУРАТЛАРДА: кўрғазмадан лавҳадан Раҳматхон Акмалов олган суратлар.**

## Иқтисодиёт

### ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

Мирзо Улугбек туманида самарали фаолият юритаётган корхоналар орасида «SONI-TA» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси ўзининг сифатли, рақобатбардор маҳсулотлари билан алоҳида ўринга эга.

Мазкур корхона жамоаси ҳозирги кунда ўзининг маҳсулотлари билан нафақат Тошкент шаҳрида, балки республикамизнинг кўплаб вилоятларида яхши таниш. Улар 30 хилга яқин бўлиб, асосан мустаҳкам, ўтда ҳам ёнмайдиган сейфлар, шакф, файл-боксларни ташкил этиб, кўпгина маҳсулотлар фирма жамоасининг изланишлари, ташаббускорликлари, касб-маҳоратлари самараси ҳисобланади.

— Эътиборли томони, давлатимиз томонидан, — дейди «SONI-TA» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси директори Содик Жаъфаров, — кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган жиддий эътибор, қўллаб-қувватлаш боис анчагина ютуқларга эришдик. Масалан, ўтган йилнинг шу даврида — бир ойда 10 миллион сўмлик маҳсулотлар мижозларга етказиб берилган бўлса, жорий йил бошидан ҳар ойда 20-25 миллион сўмлик буюртма ўз муддатларида бажарилмоқда.

Дарҳақиқат, узокни кўзлаб, аниқ режалар асосида иш юритаётган тадбиркор ўз жамоасида ҳамжихатлик, баракали меҳнат, янгиликка интилишга эришди.

### ЗАМОНАВИЙ ЛИБОСЛАР

Бозор иқтисодийоти шариити талабларидан келиб чиққан ҳолда иш юритаётган билимли, иш кўзини биладиган, янгиликка ўч хусусий тадбиркорлар кўпчилигини ташкил қилиши кейинги йилларда табиий ҳол, деб қабул қилинаётганлиги, қувонарли албатта.

Улар орасида ички бозоримизни импорт ўрнини босувчи сифатли маҳсулотлар билан тўлдириб, мижозларини мамнун қилувчилари талайгина. Максим Бриков бош бўлган «MAXIMUM» хусусий корхонаси жамоаси 2000 йилдан буён фақат аёллар учун бир-биридан гўзал, бежирим, кўркам, эскизлив либослар тикишмоқда. Касбига астойдил меҳр кўйган моҳир бичувчи, тикувчи, замонавий дизайнчилар хорижий, юксак унумли машиналар мададида бугунги кунда харидорлар билан биргаликда аҳоли буюртмасига кўра стол-стул, мебель жиҳозлари, сервантлар, ошхона мебелларини тайёрлаб бермоқда.

Унинг кўра келиб қолган либослар — табиий тери, жун, драп матоидан ҳамда мавсумга мослаб танланади. Мухими, фирма маҳсулотлари ҳозирги кунда 50 турдан ортиқни ташкил этгани ҳолда, кичик нусхаларда тайёрланади. Махсус буюртмалар ҳам қойилмақом бажарилиши билан «MAXIMUM» чилар пойтахтимизда анчайин яхши танилган.

**Муқаддас УМАРБЕКОВА**

Халқимизда устоз-шогирд анъанаси неча йиллардан буён давом этиб келаётган қадриятлардан саналади. Ҳар бир хунарманд шогирдларига ўзида бор тажриба ва кўникмаларини чуқур ўргатиб келишининг боиси ўз хунари абадийлигини таъминлаш ва келгуси авлодларни ҳам унинг сирларидан воқиф қилишдир. Айни дамда хунарманд уста Бахтиёр Турдиев ҳам хунар сирларини шогирдларига ўргатиб, тадбиркорлик билан иш юритиб келмоқда. Шуниси эътиборлики, кўли гул хунармандни С.Раҳимов туманидаги А.Навий номли маҳалла аҳли ҳамда шогирдлари бирдек ҳурмат қилишиб, ўзгача эъзоз билан тилга олишади. Биз Бахтиёр ака хонадонидан бўлиб, иш жараёни билан яқиндан танишдик.

## Тадбиркорлик РАҚОБАТГА ЧИДАМЛИ БУЮМЛАР

— Хунарли киши элда хор бўлмас деган мақол бежизга айтилмаган, — дейди Бахтиёр ака. — Биз биламизки, кўл меҳнати азалдан қадрланган келинган бўлиб, нозик дид билан яратилган буюмлар доимо халқимиз эътиборида бўлган. Ёшлигимда отамнинг «Хунар орқасидан киши қадр топади, ардоқланади» деган сўзлари менга туртки бўлди десам янгилишмайман. Дастлаб ҳавас ва қизиқиш орқасидан бошланган иш бугунги кунга келиб тадбиркорликка айланган кетди. Айни пайтда шогирдларим билан биргаликда аҳоли буюртмасига кўра стол-стул, мебель жиҳозлари, сервантлар, ошхона мебелларини тайёрлаб бермоқдамиз.

Уста шогирдлари билан ишлайётган устaxonани кузатар эканмиз, улар томонидан ясаётган мебель жиҳозлари ўзининг дизайни, ташқи кўриниши ва нақшикорлиги билан бошқалардан ажралиб туришининг гувоҳи бўлдик.



— Бугунги кунда ясаётган буюмларимиз 50 турдан ортиб кетди, — дейди сўзини давом эттириб Бахтиёр Турдиев. — Ясаётган мебелларимиз асосан

маҳаллий ёнғоқ дарахтидан бўлиб, жуда чидамли ҳамда силлиқ ишланиши билан эътиборлидир. Тадбиркорлик асосида 1997 йилда иш бошлаган бўлсак, дастлаб дастгоҳ яратиб, шунга кўра ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Биз биринчи ўринда тайёрлаётган мебелларимизнинг дизайнига алоҳида эътибор қаратамиз.

Бугунги кунда 10 дан ортиқ шогирдларга устозлик қилаётган Бахтиёр ака хунари орқасидан элнинг меҳрини қозонмоқда. Унинг устaxonасида бўлган киши санъат асари даражасидаги моҳирона ишланган стол-стул, мебель жиҳозлари жилосидан лол қолмай иложи йўқ.

Хунарманд ҳар йили турли танловларда ҳам иштирок этиб, яхши натижаларини кўлга киритиб келмоқда. «Ташаббус — 2002» танловида «Энг яхши экспортчи» номинациясини кўлга киритишидан ҳам билсак бўладики, Бахтиёр Турдиев ва унинг шогирдлари томонидан яратилаётган буюмлар нафақат бизда, балки бошқа давлатларда ҳам эътиборга тушган.

Ҳозирда буюртма асосида ишлайётган



хусусий тадбиркор ўзи ясаётган буюмларининг дизайни ва сифати устида бош қотирмоқда. Чунки сифатли ва ташқи кўриниши чиройли буюм ҳеч қачон эътибордан қолмаслиги аниқ. Шунингдек, бундай буюмлар рақобатга чидамли бўлиб, ички ва ташқи бозорда ҳам ўзининг муносиби ўрнини эгаллайди.

**Орзуғул РУСТАМОВА СУРАТЛАРДА: Бахтиёр Турдиев шогирди билан; тайёр мебеллар. Ҳажимжон Солихов олган суратлар.**

— Мамлакатимиз раҳбарининг катта ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳамда маънавий аҳамиятга молик ушбу қарори фуқароларни шу йил кузда Куролли Кучлар сафига чақирдишда муҳим дастуриямал бўлиб хизмат қилмоқда, — дейди А.Саломов. — Бу борада Мудофаа вазирининг тегишли буйруғи эълон қилинди. Жойларда йигитларни мuddатли ҳарбий хизматга наvbатдаги чақирув билан боғлиқ барча ишлар ушбу ҳужжатлар асосида амалга оширилмоқда.

Ҳарбийлар, тегишли муассаса ва ташкилотлар вакилларида иборат саралаш комиссиялари ташкил этилди. Туман ҳокимларининг ўринбосарлари — чақирув комиссияси раислари бошчилигида қақирилувчиларни хабардор қилиш ва уларнинг имкониятларини ўрганншга оид масалалар юзасидан ййгилишлар бўлиб ўтаётир.

Муддатли ҳарбий хизматга қақирилиши ва сафарбарлик чақириви резервга олиниши зарур фуқароларни ўрганиш ишлари ниҳосига етказилди.

Тадбир давомида қақирилувчилар ва уларнинг ота-оналарига Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 22 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг оддий аскарлар ва сержантлар таркибида мuddатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга қўшимча имтиёзлар бериш тўғрисида»ги қарорининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг тушуниришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Муддатли ҳарбий хизматга олдндан танлаб олинган қақирилувчилар август-сентябрь ойлари мобайнида тиббий кўрикдан ўтказилди. Бунда кўрикнинг сифатли ва холисона бўлиши таъминланди.

Мазкур йўналишдаги тадбирларда, аввало, қақирилувчиларнинг соғлиги, маълумоти, интеллектуал салоҳияти, оилавий шароити, жисмоний ва психологик тайёргарлиги пухта ўрганилиб, ҳар бир кўрсаткич бўйича алоҳида баҳолар кўйилди.

Танлов чақирув комиссиялари иш бошладидан бир ой олдин ўтказилди ва унинг натижалари барча чақирув пунктларида эълон қилинди. Танловда юқори балларга эга бўлган, соғлом, жисмонан бақувват ва руҳан тетик йигитлар Куролли Кучларимиз сафига боради.

Шаҳар ва туманлар тиббий комиссиялари замонавий тиббиёт асбоб-анжомлари ва буюмлари ҳамда олий тоифадаги шифокор-мутахассислар билан тўла таъминланди. Собир Раҳимов туманида янги чақирув пункти ташкил этилди. Сирғали ва Миробод тумани чақирув пунктлари таъмирланиб, замонавий тиббий асбоб-ускуна ҳамда мебеллар билан жиҳозланди.

Тошкент шаҳар ййгин пунктида эндосфаолият юритмоқда. Мазкур кабинетга УЗИ, ЭФГДС ва ЭКГ аппаратлари ўрнатилиб, зарур тиббий текширувлар шу ернинг ўзнда сифатли ўтказилаётир.

Шуни ҳам айтиш жоизки, шаҳардаги айрим чақирув пунктларининг ишини кўнгилдагидек деб бўлмади. Жумладан, Учтепа туман чақирув пунктида ёшларни тиббий текширувдан сифатли ўтказиш учун зарур шароитлар тўла яратилмаган. Хоналар кичик, мослаштирилган.

Бу эса шифокорлар учун муайян қийинчиликлар келтириб чиқармоқда. Шунингдек, у ерда шахсий таркиб билан саф тўртиш ва спорт машғулотлари ўтказиш учун майдонча йўқ.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Куролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда давр талабаларига жавоб бера оладиган, тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан мукамал, замонавий курул-яроғ ва техникага эга миллий армиямиз шаклланимоқда. Мақсадимиз Куролли Кучларимиз сафига соғлом, жисмонан бақувват ва руҳан тетик ёшларни жўнатишга эришишдан иборат.

**ЎЗА МУХБИРИ  
ТУРСУНБОЙ БОТИРБЕКОВ  
СУХБАТЛАШДИ**

«Кўзги қақирув — 2005»

**ВАТАН ҲИМОЯСИ —  
МУҚАДДАС БУРЧ**

Президентимиз Ислон Каримовнинг «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган мuddатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларига наvbатдаги чақирув тўғрисида»ги шу йил 2 сентябрдаги қарорида қақирилиш мuddатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларни жорий йилнинг октябрь-ноябрь ойларида мuddатли ҳарбий хизматга чақирш кўзда тутилган.

Қарорда мuddатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда қақирилиш мuddатини кечиктириш ва қақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Куролли Кучлар сафига қақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақириви резервга олиниши ҳам кўрсатилган.

Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармасининг чақирув бўлими бошлиги, подполковник Анвар САЛОМОВ мазкур қарор ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳақида ЎЗА мухбирига куйидагиларни сўзлаб берди:

Қайд этиш керакки, қақирилувчиларни Куролли Кучлар сафига тайёрлаш ишлари пойтахтимизнинг барча туманларида талаб даражасида ташкил қилинаётир. Бу масъулиятли иш, айниқса, Чилонзор, Сирғали, Ҳамза, Миробод ва Шайхонтоҳур туманларида яхши йўлга қўйилган.

Кўзги мавсумининг юқаск савияда уюшқоқлик билан ўтказилиши кўп жиҳатдан жойлардаги чақирув пунктларининг қай даражада фаолият кўрсатаётганига боғлиқ. Шу мақсадда бошқармаи томонидан чақирув пунктларининг ишини самарали ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Куролли Кучлар Олий Бош Қўмондонни Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда давр талабаларига жавоб бера оладиган, тезкор ва ҳаракатчан, ташкилий жиҳатдан мукамал, замонавий курул-яроғ ва техникага эга миллий армиямиз шаклланимоқда. Мақсадимиз Куролли Кучларимиз сафига соғлом, жисмонан бақувват ва руҳан тетик ёшларни жўнатишга эришишдан иборат.



**Ярмаркалар**

**ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР  
БЕРИЛДИ**

Собир Раҳимов туман ҳокимлиги туман меҳнат бўлими билан ҳамкорликда «Бўш иш ўринлари ва вакант лавозимлар» меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди.

— Бугуннинг долзарб масалаларидан бири — ҳамшаҳарларимизнинг доимий иш билан таъминлаш мақсадида, — дейди Собир Раҳимов туман ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари Баҳодир Усмонов, — меҳнат бўлими жамоаси билан туманимиздаги мавжуд 58 та маҳаллалар оқсоқоллари кўмагида банд бўлмаган аҳолини мазкур меҳнат ярмаркасида тақлиф этдик. Бунда «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши, қўллаб-қамраб ташкилотларининг фаол иштирокларини алоҳида таъкидлаш ўринли. Қувонарлиси иқтисодиётимизни ривожлантириш борасида давлатимиз томонидан амалга оширилаётган ислохотларнинг самараси ўлароқ, кейинги йилларда туманимизда ҳам енгил саноатга иқтисодлашган қўллаб-қамраблар чет эл инвесторлари ҳамкорлигида ишга туширилмоқда. Ҳозирги

кунда уларнинг сони 7 тага етди. Яна бир ўзаро манфаатли қўшма лойиҳа устида ушбу соҳада етакчи бўлган Германия, Туркия ҳамда Россия давлатларининг малакали мутахассислари иштирокида фаол иш олиб борилмоқдаки, яратилмайдиган янги иш ўринлари туманимизда бандлик масаласига ечим топшида айни мuddао бўлади.

Мазкур меҳнат ярмаркасида шу кунги уч мингта яқин аҳоли қатнашди, улардан кўпчилигини ёшлар ташкил этганлигини таъкидлаш ўринли. Туманда мавжуд бўлган ўрта мактабларнинг 10, 11-синф ўқувчилари, касб-хунар коллежларининг битирувчилари, ҳамда охириги босқичда тахсил олаётган ўқувчи ёшлар меҳнат ярмаркасида катта қизиқиш билан иштирок этдилар. Чунки, 56 та ташкилот, бошқарма, муассасалар 711 та бўш иш жойлари ҳамда вакант лавозимларини тақлиф этиб, улар-

нинг кўпчилиги ишлаб чиқариладиган маҳсулотларидан намуналар кўйилган кичик кўргазмалари, ўз соҳасининг билимдонлари бўлган мутахассислари билан қатнашдилар.

Масалан, «Агрегат заводи» очиқ акциядорлик жамияти, «Оникс» акциядорлик жамияти, «Байтек тижора» хорижий корхонаси, «Сабон текстиль» қўшма корхонаси, «Технолог» акциядорлик жамияти, «Осиё Батарей» қўшма корхонаси, «3-автобус саройи», «Чўқурсой» акциядорлик жамиятлари, «20-қурилиш трести», туман ободонлаштириш, халқ таълими, соғлиқни сақлаш бўлимларига фуқаролар ишга тақлиф этилди. Шу кунги фуқаролардан 781 нафари ишга жойлашиш мақсадларида мурожаат этган бўлса, меҳнат бўлими жамоасининг бевосита кўмагида 384 нафарига ишга йўлланма берилди,



397 нафар фуқаролар эса малакали маслаҳатлар олди.

Жумладан, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига қарашли Ишсизларни қасбга тайёрлаш, қайта ўқитиш ва малакасини ошириш ўқув марказига 18 нафар фуқароларга ўқушга йўлланмалар топширилди.

**Муҳаббат  
ҲАБИБУЛЛАЕВА  
СУРАТЛАРДА: Собир Раҳимов туман меҳнат бўлими томонидан ташкил этилган наvbатдаги меҳнат ярмаркаси уюшқоқлик билан ўтказилди.**  
Ҳакимжон Солиҳов олган сураатлар.

**Мағнавий  
КЎП НУСХАЛИ  
ГАЗЕТА**

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетидида ташкил топган «Ижодий тафаккур» талабалар клуби фаолияти кенгайиб бормоқда. «Дипломатия» деб номланган кўп нусхали газетани чиқаришга ҳам клуб яқиндан бош қўшди.

Олий ўқув юртининг халқаро муносабатлар факультети талабалари учун яхши совға бўлган мазкур матбуот нашри француз тилида чоп этилиб, «Дипломатия дунёси», «Франциянинг ташқи сиёсати», «Талабалар минбари» каби рунклар остида мақолаларни ёритмоқда.

Машхур француз давлат арбоблари, таниқли дипломатлар, олимлар тўғрисидаги мақолалар ҳам ўз аксини топмоқда.

**МАРОҚЛИ ЎТДИ**  
Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамияти томонидан ўтказилаётган тадбирлар жойларда қизиқиш уйғотмоқда.

Жамият кенгашининг «Хотин-қизлар» шўъбаси ташаббуси билан уюштирилган тадбир эса «Никоҳ ва саломатлик» деган мавзуга бағишланди.

«Ўзбекистон — Франция» дўстлик жамияти билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу анжуманда бу ерга таширф буюрган чет эллик меҳмонлар «Никоҳ ва саломатлик» соҳасида ўз юрларида қарор топган турмуш тарзлари ҳақида гапирдилар.

Ўзбек халқининг миллий удуми ҳисобланган «Келин салом» сахнаси ҳам қизиқиш уйғотди.

**ДАВР  
ТАЛАБИГА МОС**

Янги ўқув йили «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи ҳам ўқувчиларга совға сифатида бир нечта дарслик ҳамда ўқитувчиларга мўлжалланган ўқув-услубий қўлланмаларни тақдим этди.

Нашриётнинг физика-математика фанлари тахририяти томонидан босмага тайёрланган «Алгебра» ўқув адабиёти ҳам янгидан босма юзини кўрди. Аввалги дарсликлардан фарқли ўлароқ янги дарсликда қизиқарли ва ҳаётий масалаларга кенг ўрин берилди.

Дарслик икки хил рангда чиқарилди. Алгебра фанига ўзининг катта ҳиссаларини қўшган улуғ олимлар портретлари ҳам ўқувчилар эътиборини тортди.

**Акбар АЛИЕВ**



Шуни қувонч ва фахр билан айтиш жоизки, Мустақиллигимизнинг ўн тўрт йиллик байрами арафасида шаҳримизда яна кўплаб янги иншоотлар бунёд этилиб фойдаланишга топширилди. Жумладан, Юртбошимиз ташаббуслари билан Эски шаҳар худудига катта эътибор қаратилиб, Абдулла Қодирий номидаги маданият ва истироҳат боғи, Миллий либослар галереяси, шунингдек, Болалар ижодиёти уйи бунёд этилди. Эндиликда Эски шаҳарнинг янги қиёфасини кўрган киши танимаслиги мумкин.

Болалар ижодиёти уйига бориб, катта, ёруғ ва шинам хоналар билан танишарканмиз, бу ерга биринкетин кириб келаётган қизлар ва болаларнинг албатта шундай қошонада билим олишга интилаётганлиги ва қизикаётганликларини сезилиб турарди. Ҳар бир эшик ёнига клуб ёки тўғарақнинг номи ёзиб қўйилган хоналарда болалар машғулотларни алақачон бошлаб юборишган.

— Албатта фарзандларимизни ўйлаб, уларга янгича, замонавий услубдаги шундай қошонани бунёд этишга раҳнамолик қилган Президентимизга ҳамшаҳарларимиз номидан катта миннатдорчилик билдирамиз. Бу қошона болаларимизга Мустақиллик байраминда катта совға бўлди. — дейди Болалар ижодиёти уйи раҳбари Носир Файзиёв. — Бу қошона жуда қисқа муддат

ичида, яъни уч ойда бунёдга келди. Қурувчиларимизга ҳам балли, кечаю кундуз тиним билмай, ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишди. Мана энди фарзандларимиз ҳар томонлама қулайликларга эга, замо-

студия ва тўғарақлар мавжуд. Масалан, ёш шоир ва журналистлар клуби, тасвирий санъат студияси, шарқ миниатюраси, бадийи нақшчилик, шахмат клуби, компьютер синфи, миллий эстрада вокаль гу-

да. Режа бўйича Болалар ижодиёти уйига ҳаммаси бўлиб 1200 нафар ўғил-қизларни қабул қилишимиз керак бўлса, ўтган бир ҳафта мобайнида 700 нафар болани олдик. Шуни ҳам таъкидлаш керак, ҳар

мфармаси, шахмат клубини эса Ўзбекистон шахмат федерациясининг Тошкент шаҳар бўлими ҳомийликка олишган. Шу каби бошқа яна бир қанча ҳомийлар хоналарини беш ва жиҳозлашда яқиндан кўмак берганликларини ҳам алоҳида қайд этиш жоиз.

Мазкур бинонинг иккинчи қаватидаги катта ва ёл-ёруғ хонада кўргазмалар зали ўрин олган бўлиб, пештоқи улкан, нақшинкор гүмбаз шаклида ишланган. Унда Болалар ижодиёти уйининг, умуман шаҳримиздаги иқтидорли болаларнинг ижодий ишларининг кўргазмалари намойиш этилади. Шунингдек, турли мавзуларда, масалан, Ватан мавзусидаги асарлар кўргазмаси ўрин олади.


Дарҳақиқат, шундай қошонани кўрган кишининг кўзи қувнайди, қалби фаҳрга тўлади. Бу ерда сабоқ олган жажжи ўғил-қизларимиз эса келажакда ҳар томонлама етук, истеъдодли, ўткир зехни бўлиб вояга етадилар ва Мустақил Ўзбекистонимизнинг янада тараққий этишида муносиб ҳисса қўшиб, унинг шаъни-шавкатини дунёга таратадилар деб умид қиламиз.

**Дилором ИКРОМОВА**  
**СУРАТЛАРДА:** Болалар ижодиёти уйи фаолиятдан лавҳалар.

**Тоҳир Нигматуллин**  
олган суратлар.



## БОЛАЛАРГА ГЎЗАЛ ҚОШОНА



Мустақиллик туфайли шаҳримиз хусну таровати бекиёс даражада ошиб бораётганлигини барчамиз кўриб гувоҳи бўлмоқдамиз. Шаҳримиз кўчаларини кундузими, тунда дейсими, бир айланиб, сайр қилганмисиз? Агар қузатган бўлсангиз, шаҳримизнинг йилдан-йилга обод бўлганлигини, кенг, раво кўчалар, маҳобатли кўприклар, кўркам уй-жой биноларию ўқув масканлари, поликлиникаю замонавий мактаблар, хуллас, барча-барчаси бутунлай ўзгача қиёфа касб этиб, сизни беихтиёр ўзига мафтун этади. Тунги чироклар остида ял-ял яшаган шаҳримизнинг яна ҳам кўркамлигини кўриб, кўзларингиз қувнайди.

навий услубда қурилган, гўзал бинода ўзлари қизикқан соҳа бўйича билимларини оширишди. 15 сентябрдан ўз фаолиятини бошлаган ушбу ижодиёт уйига ҳар кун ўғил-қизлар, ота-оналар келиб, мамнун бўлиб кетишмоқда. Бу ерда айни кунда 10 хил йўналишда 20 та клуб,

руҳи, ёш модельер-дизайнер, ёғоч ўймакорлиги, радио-электротехника тўғараги, видео студия ўз фаолиятини бошлаб, уларда шу соҳаларнинг ёш мутахассиси ари болаларга сабақ беришади. Ушбу тўғарақ ва клубларга 4 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар қабул қилинмоқ-

бир клуб, тўғарақ ва студияларга ҳомийлар бириктирилган. Масалан, ёш шоир ва журналистлар клубига Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Тасвирий санъат тўғарагига Ўзбекистон тасвирий санъат академияси, нақшчилик ва миниатюра тўғарагига «Олтин мерос» халқаро жа-

### Сўраган эдингиз...

#### ҚОРАСУВНИНГ МАЪНОСИ НИМА?...

**Ҳурматли тахририят ходимлари. Биз Қорасув даҳасида истиқомат қиламиз. Кўпдан буён даҳамизнинг нима учун Қорасув деб номланишини, унинг маъносини билишга қизиқамиз. Илтимос, газетанинг «Шаҳрим — фаҳрим» саҳифасида шу ҳақда маълумот берсангиз.**

**С. Умаров, К. Шорасулов, талабалар.**

Қорасув — Бўзсувнинг сўл irmоғи. Бўзсув ГЭСининг пастки қисмидан бошланади. Тошкентнинг жанубий шарқини сув

билан таъминлаб турган. Топонимик терминларда Қора-ер, қуруқлик маъносига келади, шунга кўра Қорасув (ердан чиққан сув), яъни сизот суви деб тушунмоқ мумкин. Қадимдан халқимиз сизот сувлари ва булоқлардан ҳосил бўлган сой ва анҳорларни «Сибёх-об» ёки қисқартириб, сибё, яъни Қорасув деб юритиб келган. Археологик маълумотларга кўра, халқда Чирчиқ дарёси тошқинлар ва сизот сувларидан ҳамда Салор, Қорасув, Жўнариқ каби табиий сув манбаларидан ҳосил бўлган деган маълумотлар бор.

Қомусий адабиётларда эрамиз бошларида Сибирь ва Қозоғистон, қисман Ўзбекистон худудларида Қорасув (сўзлашувда Қорасув бўлиб кетган) қабилиси яшаганлиги ва Урта Осиё халқлари билан маданий алоқада бўлганлиги маълум.



### Назн қушани ШАҲРИМИЗГА МАРҲАБО!

**Чаман бўлсан гўзал боғу бўстони, Ҳар кимча очиб оғим дастурхони. Бўлинг сиз ҳам саҳий элим меҳмони,**

**Келинг дўстлар, Тошкентимга марҳабо!**

**Шаҳримизга кўз тегмасин, бир кўринг,**

**Кенг кўчалар, раво кўчалар — сайр қилинг.**

**Истиқлолнинг меваларин сиз кўринг,**

**Келинг дўстлар, Тошкентимга марҳабо!**

**Таъриф қилсам, таърифи кўп замондир,**

**Мақтовли халқ, одамлари омондир, Қиллари шўх, йигитлари полвондир,**

**Келинг дўстлар, Тошкентимга марҳабо!**

**Пойтахтимиз — Ўзбекистоннинг фаҳри,**

**Бағри кенг, сулиши дийр, сулар шаҳри.**

**Мафтун этиб яшнамоқда, бордур сеҳри,**

**Келинг дўстлар, Тошкентимга марҳабо!**

**Аширбой РЎЗМЕТОВ**



## ШАҲРИМ — ФАҲРИМ



### Маҳаллаларда

#### «БЕКОБОД» ОБОД МАСКАН

Мустақиллигимизнинг 14 йиллигига муносиб тухфа сифатида шаҳримизда янгидан-янги иншоотлар, бинолар, маҳалла идоралари ва гузарлари қад ростлаб пойтахтимиз кўрқига кўрк, чиройига чирой кўшди.

Ана шундай фусункор бинолардан бири Учтепа туманидаги «Бекобод» маҳалла марказидир.

— Маҳалламиз 1966 йилда ташкил топган, — дейди маҳалла оқсоқоли Хайрулла Убайдуллаев. — Кейинги 30 йил давомида «Бекобод» маҳалласининг кўриниши бир алфозда эди. Чунки шу йиллар мобайнида деярли ҳеч қандай қурилиш ишлари амалга оширилмади. Маҳалла аҳли иноқ-аҳил яшашига қарамадан ўзидан ортиб ортиқча маблағ топа олмади. Кейинги йилларда маҳалламизнинг обод бўлиши, кўркам идора биносини бунёд этиш мақсадида елиб-югурдик. Ва ниҳоят икки ярим ой ичида мана шу кўриб турганингиз нурафшон бинони тикладик. Ниятларимиз ҳали кўп. Кексалар учун яна бир дам олиш масканини қуришни бошлаб юбориш арафасидамиз. Ҳомийларимиз шу хайрли ишлар-

катта бойлик», «Гиевандлик — аср вабоси», «Уз уйининг ўзинг асра», «Ешлар — келажагимиз», «Оила — муқаддас даргоҳ», «Миллат — юрт таянчи» каби тадбирлар шулар жумласига кирди.

Нокзор, Меҳмондўст, Бекобод кўчалари ҳар ойда биргаликда «Ватан ичра бир Ватан» деб номланган тадбирларни ўтказишни режалаштириб олишган. Маҳалла хотин-қизлар комиссиясининг раиси Раҳима Қосимова ҳам ўз ишини бошлаганига унча кўп вақт бўлмаган бўлса-да, бугунги кунда маҳалла онахонлари, аёллари, дилбар қизлари билан тез-тез учрашиб, уларнинг аҳолидан, қилаётган ишларидан бохабар бўлиб турибди.

— Аёлларимиз доимо назокатли, латофатли, соғлом ва ўз ҳақ-хуқуқларини яхши аниқлай билишларини истайман, — дейди у биз билан суҳбатда.

Дарҳақиқат, маҳалла Ватан ичра бир кичик ватан. Унда ҳамма бир-бирига суяниб-таяниб, ҳамкор, ҳамқадим бўлиши даркор. Шундагина оилаларимиз мустаҳкам, кўчаларимиз обод ва нурафароз бўлади.

**Гулҷебра ДУРДИЕВА**  
**СУРАТЛАРДА:** «Бекобод» маҳалласи ҳаётидан лавҳалар.  
**Ҳакимжон Солихов** олган суратлар.

## ШАҲАР ТОПОНИМИК ЛЕКСИКАСИ ҲАҚИДА БИЛАСИЗМИ?

Топонимлар — географик номлар, жумладан урбанонимлар, яъни шаҳар ичидаги кўча-кўйларнинг ва бошқа объектларнинг номлари атоқли отлар бўлиб, кўпинча турдош отлардан таркиб топган. Ана шундай номларни ҳосил қилган сўзлар топонимик лексика дейилади. Қуйда шаҳарнинг асосий топонимик лексикаси изоҳи ҳақидаги маълумотлар билан танишинг.

**Арк** (форсча) — пойтахтнинг марказий қисмидаги қаср, хон ёки амир саройининг мустаҳкамланган қисми, шунингдек, қасрнинг ўзи, кремль, кўҳандиз.

**Арка** (итальянча арко, асли латинча аркус «ёй» сўзидан олинган) — тепаси ярим доира шаклида солинган дарвоза, эшик, дераза.  
**Бекат** — транспорт воситаларининг тўхташ жойи, станция (французча пикет — жой харидаги туширилатганда харбийлар ерга қоқадиган қозик). Пикет сўзи рус тилига бекет шаклида ўтган (руслардаги Бекетов фамилияси шундан). Ўзбекистонда ўрмон қоровуллари яшайдиган жой кўриқланган ва дастлаб бекат дейилган.  
**Берккўча** — боши берк кўча, туюқ кўча. Расмий маълумотларга кўра Тошкентда 596 та берккўча (русчаси — тупик) бор.

**Бозор** (форсча) — халқ савдо-сотик қиладиган жой. Урта асрларда савдо майдони шаҳар деворларининг ичида эмас, балки ташқиринида, шаҳар дарвозаларининг ёнида бўлган. В.Бартольд: "...Араблар истилоси даврида ҳаёт шаҳристондан — росткам шаҳардан раб-болларга кўчган, бу ерларда савдогарлар ва хунармандлар яшай бошлаганлар. Шунинг учун бозор сўзи дастлаб "дарвоза ёнида бажарилган иш" деган маънони аниқлатади", — дейди. XIX аср бошларида Тошкентда 500 га яқин бозор — расталар бўлган.

**Воказал** (рус тилига дастлаб XVIII асрда фокасал шаклида кирган, инглизча Vauxhall — Вокс деган киши номидан ва hall "зал" сўзидан олинган) — темирйўл станциясида йўловчиларга хизмат қиладиган бино.

Бу сўз ўрнига шохбекат сўзи ишлатилган ҳоллар учрайди (баъзан автостанцияни ҳам шохбекат дейишади). Шу термин қабул қилинадиган бўлса, шохоса, шосупа сўзларига ўхшатиб шохбекат дейилса бўлмасмикен? Ҳар қандай бўлганда ҳам, воказал сўзи тиллимиз лексикасидан чиқиб кетмаслиги керак.

Тошкентда икки вокзал — Шимолий ва Жанубий вокзаллар бор. Уларнинг номларини Шимолий ва Жанубия деб қисқартириш мумкин: — ия қўшимчаси топоним ясашда фаол ишлатилади — Ихлосия, Туркия, Русия; Ўзбекистонни Ўзбекция деб ишлатган ҳоллар учрайди (Қохира шаҳрида Ўзбекция "Ўзбеклар" деган маҳалла бор экан; "Ўзбекияда — ўзбекларда шундай удум бор" деган иборани ҳамон эшитиш мумкин).

**Гузар** (форсча) — шаҳарнинг гавжум жойи, маҳалланинг марказий қисми, Бухоро ва Самарқандда "махалла" (баъзан "кўча").  
**Дарвоза** — шаҳарни ташқи душманлардан муҳофаа қилиш учун қурилган катта эшик. Тошкентда дарвозалар Х асрдан қурила бошланган ва XIX аср ўрталарида шаҳримизда 12 та дарвоза бўлган. Шаҳарнинг кенгайиши ва қайта қурилиши натижасида XIX асрнинг охирида аста-секин вайрон бўлган. Урта Осиёнинг кўпгина шаҳарлари икки ёки тўрт қисмга, Тошкент 4 даҳага, Бухоро 4 рубга (арабча руб — чорак), Самарқанд 4 қитъага (арабча қитъа — бўлак, қисм), Шаҳрисабз ва Хўжанд шаҳарлари эса 2 қисмга бўлинган.

Шаҳар дарвозалари сони ҳам маълум миқдорда бўлган, масалан Тошкентда юқорида айтилганидек, ўрта асрларда ҳам, XIX

аср охирида ҳам 12 та дарвоза бўлган; Бухорода ҳам шунча дарвоза бўлганлиги маълум.

Тошкентлик тарихчи Муҳаммад Солиҳ ўзининг "Тарихи жадидийи Тошканд" асарида айтишича, XIX аср Тошкент дарвозаларини кўриклаш маълум бир қабила ва қилларига топширилганлиги учун қуйидаги дарвозалар шу қабила-лар номлари билан аталган:

**Кийёт дарвозаси** — қийёт қабилиси номидан;

**Турклар дарвозаси** — турк қабилиси номидан;

**Ўзбек дарвозаси** — ўзбек қабилиси номидан;

**Қорасарой дарвозаси** — қорасарой қабилиси номидан;

**Чигатой дарвозаси** — Чингизхон авлодидан бўлган Чигатой улуси номидан;

**Кўкча дарвозаси** — шу қабила номидан;

**Камондорон дарвозаси** — камондоронлар бузук қабилисининг бир тоифаси;

**Қангли дарвозаси** — қабила номидан;

**Қатагон дарвозаси** — қатагон қабилиси номидан.

Кўринадими, Қорасарой, Кўкча, Бешоғоч дарвозалари номларининг келиб чиқиши ҳақида турлича фикрлар юрди, аслида эса улар ҳам этнопо-нимлардир, яъни уруғ-аймоқ номлари билан аталган. Камондоронлар эса тоифа номи экан. Камондорон кейинги пайтларда Камолон бўлиб кетган. Чигатой ҳақида шуни айтиш мумкинки, Чингизхоннинг иккинчи ўғли бутун дунёда Чигатой (Жағатай) номи билан машҳур; араб ёзуви бу шахс номининг ўзбекчада Чигатой шаклида ёзилишига сабаб бўлган.

**Суюн ҚОРАЕВ,**  
географик  
фанлари доктори,  
профессор

1 октябрь — Ўқитувчилар ва мураббийлар кун

— Туну кун ўқувчиларимнинг фикру ёди билан яшайман, — дейди Ибодатхон. Хатто тушларимдаям нимадир янги

ни сафсаталар билан алдаб бўлмайди! Тасаввур қилинг, қордай оқ дастурмолча оёк остида ётибди. Ёки пул тўла

билишидир. Бундай фазилатга эга бўлган ўқитувчи жамият олдидаги ўз бурчини икки ҳисса бажара олади.

...Агар биз бирор касб эгаси ҳақида ёзмокчи бўлсак, суҳбатлашаётимизнинг унвонларини суриштирамиз. Саволимни эшитиб Ибодат Мусаева бундай дейди:

— Билсангиз мен энг кўп унвон олган аёлман. Собиқ ўқувчиларимнинг йиллар ўтса ҳам мени унутмай тез-тез йўқлаб келишлари, бугун мен сабоқ бераётган кичкинтойларим нигоҳидаги меҳр, ота-оналарнинг менга ишончи, ҳамкасбларимнинг хурмати, умр йўлдошим ва фарзандларимнинг эъзозу эҳтироми, ҳамма-ҳаммаси менингу мукофотларим. Бу мукофоту рағбатлар ҳаёт йўлимни ёритади, мени эзгуликлар сари илҳомлантиради.

Мактабнинг педагогик жамоаси, хатто юқори ташкилотлар томонидан Ибодат Мусаева шаънига доимо илиқ фикрлар билдиришади. Олган рағбату мукофотларим кўп. Бироқ ундан-да муҳимроғи, бу аёлнинг феълида мақсадга собитлик, ишга меҳр, касбга садоқат бор. Орзу ниятлари, бажараётган иши билан барчани қувонтиради. Ёш авлодга пухта билим бериб, ўқувчи рақибни забт этмоққа ошиқади. Бизнингча бугунги кун муаллимаси худди шундай бўлиши лозим.

Гулчехра ЖАМИЛОВА

**СИЗ МЕНИНГ ОЛТИНЛАРИМСИЗ...**

У болаларнинг юзу кўзидаги шодликни ҳар нарсадан устун қўяди. Истайдики, ўқувчилари мактабга кулиб келиб, шодон ҳолда кетишса... «Сиз менингу олтинларимсиз», — дейди уларга. Аслида биз олтин сўзининг қийматини жонсиз буюмлар билан ўлчаб ўрганганмиз. Ахир дунёда бегубор қалбдан кўра қимматлироғи бормикин? Йўқ. Ибодат Мусаева бошланғич синф болаларига сабоқ берган илк кунлардаёқ шу нарсани тушуниб етганди. Мана 26 йил бўлибдики, болалар унинг чинакам олтинларига айланиб қолди.



ҳамён стол устида «унутиб» қолдирилди. Ёхуд нон бўлакчаси «бехосдан» полга тушириб юборилди. Булар Ибодат Мусаеванингу кичик таджикотлари. Унинг ўзи бир четга ўтиб болаларни кузатади. Бу нарсаларга қайси ўқувчи қай-хил муносабатда бўлади? Тадқиқот сўнгида эса у ўқувчилар билан алоҳида суҳбат ўтказади. Ҳалоллик, тўғрилиқ, ростлик ҳақида...

— Ибодатхон туғма педагог, биз буни мактабимизда иш бошлаган кунлардаёқ сезганмиз, — дейди Ҳамза туманидаги 69-мактаб педагоглари. — Унинг асосий фазилати бола кўнглига йўл топа

**ИБН СИНО АСАРЛАРИНИНГ КАЛИТИ**

Ота-боболаримиз қолдирган бой илмий мерос турли соҳаларни ўз ичига қамраб олади. Айни пайтда Шарқшунослик институтининг қўлғезмалар хазинасида қадимда улуг аллоамларимиз томонидан тузилган юзлаб луғатлар сақланмоқда. Уларга назар ташлайдиган бўлсак, аксарияти Куръони Карим ва ҳадисларда ишлатилган истилоҳларни тушунтиришга бағишланганлигини, айримлари эса тасаввуф таълимоти шарҳига оид эканлигини кўриш мумкин. Бундан ташқари, улар орасида айрим машҳур шоирларнинг асарларига ёки ғазалларига тузилган луғатлар ҳам учрайди. Кўпгина луғатлар эса умумий бўлиб, ўз ичига барча соҳага оид сўзларни қамраб олди. Бироқ табобат соҳасига оид луғатлар жуда кам.

Табобатга бағишланган луғатларга келсак, маълумотларга қараганда, бундай луғатлардан ҳозирча бизга маълум бўлгани Ибн Синонинг устози Абу Мансур ал-Ҳасан ибн Нуҳ ал-Қумрий томонидан тузилган луғатидир. XVII асрда Бобурийлардан Шох Жаҳон ҳукмронлиги даврида яшаган Нуриддин Мухаммад Абдуллоҳ ҳам тиб илмига оид «Алфози адвийа» даврида лугат тузган. Бундан ташқари, табобатга бағишланган бошқа бир қанча луғатлар ҳам бизгача етиб келган бўлиб, афсуски уларнинг муаллифлари номасълум. Зикр этилган тиббий луғатларнинг кўпчилиги араб ва форс тилларида бўлиб, ўзбек тилида тибга оид луғат жуда кам эди. Ватандошларимиз ака-ука Боситхон ва Ҳомидхон ибн Зоҳидхонлар биринчилардан бўлиб эски ўзбек тилида тиббий луғат яраттишди.

Ўзбекистон Халқ табобати академияси замон талабидан келиб чиқиб, «Ўзбек халқ табобати атамалари изоҳли луғати»ни нашр этди.

—Мақсадимиз дунёнинг жуда кўп кутубхоналарида, жумладан мамлакатимиз-

нинг қўлғезма жамғармаларида халқимизнинг ўрта аср шароитида яратган тиббиётга хос мероснинг ажойиб намуналарини ўрганишда мутахассисларга қўл келадиган бир имконият яратиш эди, — деди муаллифлардан бири Абдукарим Усмонхўжаев. — Фаолият юри-таётган минглаб шифокорлардан уйда Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» китоби сақланади. Афсуски, уларнинг аксарияти «тиши ўтмаганлигидан» ундан фойдалана олишмайди. Бу асар китоб жавонининг мулки бўлиб тураверади. «Ўзбек халқ табобати атамалари изоҳли луғати»нинг нашр этилиши шифокорларимизга «Тиб қонунлари» китобини ўқиб, тушунишлари учун имкон беради.

Китобнинг тақдимот маросимига келган мутахассислар табобатга оид қўлғезмаларни ўрганиш соҳасида эришилган муҳим этуқларни қайд этиш билан бирга, шу соҳада бажарилиши лозим бўлган долзарб вазифалар олдида турганлигини ҳам эътироф этишди.

Тиббиётга оид адабиётларнинг ҳаммаси ўз даври-

да араб алифбосида ёзилган. Аммо у даврларда араб графикасидаги алифбога асосланган имло қоидалари тартибга солинмаганлигидан тиббий қўлғезмалар имлоси жуда хилма-хил бўлган. Шунинг учун Ибн Синонинг «Ал-Қонун» китобининг араб алифбосидаги асл нусхаси ҳар қанча уринишларга қарамай, Европа тилларида шу пайтга қадар таржима қилинган эмас. Чунки Европа тилларида таржима қилинганлари эса фақат лотинча таржимасида ағдарилган. Лотинчага ағдарилганда қилинган хатолар Европа тилларида қилинган таржима китобларида ҳамон қайтарилиб келинмоқда.

Муаллифлар ўзбек тилига давлат мақомини берилиши билан юқорида келтирилган камчиликларни бироз бўлса ҳам камайтириш мақсадида тиббиётга оид араб-форс ва қадимги ўзбек тили асосида тайёрлаган мазкур луғат «Ал-Қонун» китобларини ўқиб тушунишга ҳам калит вазифасини бажаришдан умидвормиз, дея таъкидлашди.

Инобат ЭГАМҚУЛОВА, «Туркистон-пресс»

Шарқ дурдоналари

**ОЗ-ОЗ ҲАҚИДА**  
Домо бўлач...

• Фарзандлар ота-онага итоат этиб, ҳар бир фурсатни уларнинг ризолугисиз ўтказмасликлари лозимдир. Ҳар бир саодатли ва азиз фарзанд ота-она кайфиятини розилик белгиси билан хандон қилади, ота-она хурсандчилигини ўзига келадиган яхшилиқнинг дебодчаси деб билади. Наҳот эшигининг калити ва саодат гулзорининг насими ота-она туфайли ҳосил бўлади. Фарзанд ўстиришдан муддао шулки, улар имкони борича ота-она хизматини қилсинлар ва ҳеч қачон уларга уят ва шармандалиқ келтирмасинларки, уят ва шармандалиқ ота-онанингу фарзандга бўлган меҳру муҳаббат ойнасини ғуборлаштиради. Бундай ёмон фарзанддан бегоналарни яхшироқ деб ҳисоблайдилар.

• ҲИКОЯТ. Сўзлари адаб гавҳарининг тоҳи, ўзи араб ҳакамларининг устози бўлган Собит ибн Куррадан қуйидаги ҳикматларни нақл қилдилар: «Жисм роҳати овқатнинг озида, руҳ роҳати кам ейишда, тил роҳати оз гапиришда!» Лекин сўз айтиш лозим бўлган жойда жим ўтирмақ зиёнга йўл қўймоқ ва маломатга қолмоқдир.

**Агар қўрсангки йўлда чоҳдир, Агар хомуш ўтирсанг зўр гуноҳдир!**

Байт:  
**Агарчи жим ўтирмақ хирадманд наздида хушдир, Ва лекин маслаҳат пайтида хуш бўлмай фикр айтмоқ.**

Билиб қўй, икки пайтда жим ўтирмақ бафаҳмлиқдир.

Керак пайтида сўз айтмай, нокерак пайтида дам урмақ!

Яъни, жим турмоқ пайтида сўзламоқ оқибатни ўйлаб иш тутувчилар учун нолайқ ишдир. Шунингдек, гапириш лозим бўлган вақтда индамай турмоқ оқил кишилар наздида номувофикдир.

**Ақлу табдир билан ўйлаб қарадим, Сергап бўлса ҳар ким доим хор экан. Айтмагайман лабу кўзни юм доим, Аммо ҳар бирининг жойи бор экан.**

**Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Ўзбекистон-Япония инсон ресурсларини ривожлантириш маркази билан ҳамкорликда «Тадбиркорлик соҳасида ногиронларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва зарурий ҳужжатлар» мавзусида семинар ташкил этди. Унда Ўзбекистон Карлар жамияти вакиллари ва аъзолари иштирок этди. Зеро ушбу семинар қонунчилик томонидан айнан мазкур тоифадаги ногиронларга берилган ҳуқуқий ёрдам ва имтиёзларга бағишланган.**

**НОГИРОНЛАРНИ ҲУҚУҚИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ**

Семинар кулоғи оғир ногиронлар учун илк бор тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари билан танишиш имконини берди.

Чунончи, семинар иштирокчилари тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг қандай тури ва шакллари улар учун маъқуллиги, уни ташкил этиш учун қандай жараёнлардан ўтиш кераклигини билиб олишди. Кулоғи оғир ногиронлар орасида тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг энг кенг тарқалган шаклидан бири юридик шахсини ташкил этмасдан ақка тартибда тадбиркорлик фаолиятини юритиш ҳисобланади. Шу сабабли тадбирда Савдо-саноат палатаси кўмагида маслаҳат ва бошқа ёрдамларни кўрсатиш мақсадида кар ва эшитиш қобилияти заиф кишилар учун тадбиркорлар жамиятини ташкил этиш, шунингдек, республикамизнинг турли шаҳарларида фаолият юрифтаётган карлар ва эшитиш қобилияти заиф кишилар корхоналарига кўмаклашиш таклиф этилди.

(ЎЗА)

Муқаддас ҳам шайтонга дарс беради- ган аёллардан.

Бир кун Арофатнинг эри Баҳром бего бўлиб қолди. Тезда уни шифохонага элтдиши. Вврачлар уни Москвага бориб, у ерда юрагини аппаратга тушириб, хуло- сасини олиб келишини айтидиши. Моск- вага бориб келиш учун камда минг дол- лар керак. Арофат, тезда ёрдам сўраб қариндоши Суйдиҳонга бориб, вазиятни тушунтирди.

— Доллар бериб турадиган танишим бор, аммо у гаровга тилла тақинчоқлар олади. Тиллаларини бўлса беринг, мен олиб берман. Камда икки миллионлик тақинчоқ берасиз.

— Майлига, тилла бўлса, тил- лада. Эримнинг соғлиги керак менга.

Арофат шундай дея уйдаги бор тилла тақинчоқларни Суйди- хонга берди. Суйдиҳон эса тил- лаларни Муқаддасга олиб бориб, эвазига 500 доллар келтирди. Арофат бу пуллари олмади. Чун- ки унга 1000 доллар керак эди. Арофат билан Суйдиҳон Муқад- даснинг олдига боришди. У ларни Дилшод деган танишининг ол- дига жўнатди. Дилшод эса ҳеч қан- дай тилла олмаганман, деб туриб олди. Сўнгра бу ишга Баҳром аралашди. У Муқаддаснинг турмуш ўртоғи Муродга учрашиб, вазиятни тушунтирди. Мурод бу ҳақда ҳеч нарса билмаслигини айтди. Шу пайт Муқаддас келиб қолди. Мурод уни сўроққа тутди.

— Арофатдан тилла олган экансан. Тил- лалар қани?

— У нарсалар Суйдида. Мен билмай- ман, — дея жавоб қайтарди Муқаддас. Баҳром бу гапларни эшитиб, жажли чи- қиб уйига қайтди. Аммо йўлда юраги ёмон бўлиб, йиқилиб тушди. Уни дарҳол шифо- хонага олиб боришди. Баҳром шифо- хонада анча вақт ётиб чиқди.

Муҳаббатга ўғлини ўқишга киритиш учун 400 доллар керак бўлди. Муқаддас- га ўн дон ҳар хил тилла тақинчоқларни берди. Муқаддас уни тилла магазинга олиб бориб, баҳолатишини, шунга қараб доллар беришини айтди. Аммо улар уч- расолмадилар. Уйига бorganда эри унга бир телефон рақамини берди. Улар теле- фонда гаплашишди.

— Тиллаларингизни кўрсатдим, Дил- шод акамнинг ҳозир пули йўқ экан. Сиз- ни Дилшод билан таништираман, дея гушакни кўйди. Улар учрашишди. Дилшод Муҳаббатнинг гапларини эшитиб хайрон бўлди.

— Менда ҳеч қанака тилла-пилла йўқ. Ўзимга пул керак бўлганлиги учун мана шу уйимни сотмоқчиман. Агар олсангиз,

пулини бўлиб-бўлиб беришингиз мумкин. Уй жиянимнинг номида Мана ҳужжатла- ри, 2800 долларга сотаман. Пулини Му- қаддасга бераверасиз.

Шундай қилиб, Муҳаббат уйни олади- ган бўлди. Бировдан 400 доллар қарз олиб, 100 долларини гаров сифатида Дил- шодга берди. 300 долларни Муқаддас тил- хат орқали олди. Кейинроқ Муҳаббат Му- қаддасга яна 900 доллар берди. Бир кун Муқаддас Муҳаббатни шошилтирди.

— Тезроқ 1000 доллар топиб бер. Уй сеники бўлади.

Муҳаббат ҳам бу гапга ишониб, дарҳол таниш-билишларидан 900 доллар топиб, уни Муқаддасга берди. Шундан сўнг Му-

қаддас пулини бўлиб-бўлиб беришингиз мумкин. Уй жиянимнинг номида Мана ҳужжатла- ри, 2800 долларга сотаман. Пулини Му- қаддасга бераверасиз.

— Мана кўрдингизми, йиғласам ҳам бермади, — дея Севарани алдади.

Севаранинг қўшниларининг олдига ҳам юзи шувут бўлиб қолди. У берган тилла- ларини қайтариб ололмади.

Мунавварга ўғлини уйлантириши учун пул жудаям зарур бўлиб қолди. Синглиси Севарага маслаҳат солди.

**Фирибардан эҳтиёт бўлинг!**

**ЭГРИЛИК — УМРНИНГ ШҲРИ**

**Халқимизда “Фирибарга шайтоннинг ҳаваси келар”, деган нақл бор. Ҳаётда шундай ин- сонлар борки, уларнинг олдига шайтон ҳам ип эшолмай қолади. Уларга виждон, андиша деган сўзлар бегона. Бу тоифалар фақатгина ишонувчан, содда одамларни чув туширишади.**

қаддас анча вақтгача кўриниш бермай юрди. Бир кунни уйдан топди.

— Опа, уйни менинг номимга ўтказиб беринг, — деди Муҳаббат.

— Қанақа уй? — хайрон бўлгандек сўра- ди у.

— Ўзингиз айтган уйда, опа!

— Кечирасиз, синглим. Мен сизни та- нимайман. Сиздан ҳеч қанақа пул ҳам ол- ганим йўқ. Қаерга борсангиз бораверинг!

Муҳаббат нима қилишини билмай до- да қолди.

Севара ошхонасини чиройли қилиб таъмирлатди. Аммо усталарга беришга пули қолмади. Кимдан олсам экан дея таниши Саидадан маслаҳат сўради. Саи- да уни Муқаддас билан таништирди.

— Дилшод деган танишим бор. Фақат ундан 100 минг сўм пул оладиган бўлсангиз, 200 минг сўмлик тиллангизни гаров- га беришингиз керак. Сизга майли, фо- изисиз пул олиб бераман.

Шундай қилиб Севара жами 1130 минг сўмлик тилла тақинчоқларини Муқаддас- га етказди. У эса 350 минг сўм берди.

— Агар сотиладиган тиллаларингиз бўлса, олиб келинг. Мен тилла ҳам сота- ман. Фойдасини ҳам чиқариб олсангиз, — деди у.

Бу гапга Севара чиппа-чин ишонди. Қўшни Муҳаббат тиллаларини сотишини айтди. Севара унга тилла сотадиган тани- ши борлигини айтиб, унинг тилларини

— Пул бериб турадиган танишим бор. Хоҳласангиз уйингизга олиб келаман.

— Майли, нима қилиб бўлса ҳам пул топиб бергин.

Севара Муқаддасни опасининг уйига бошлаб берди.

— Бир миллион сўм пул учун сиз 2 мил- лион сўмлик тилла тақинчоқларни гаров- га қўйишингиз керак бўлади. Қани, тил- лаларингизни олиб чиқингчи, — деди Му- қаддас.

Содда аёл ўз қўли билан бир жуфт бриллиант қўли узук ва зиракни унга берди. Муқаддас шу тахлит ўн беш кун йўқ- лоқ кетди. Шундан сўнг опа-сингли унинг уйига зир югуралдиган бўлишди. Бир кун уни қақриб боришганида эри чиқди.

— Хотиним фирибгарлигини билмай- сизларми? Нимага ишониб унга тилла- рингизни берайсизлар? — дея аёлларни койиди. Аммо Мунаввар Муқаддасни то- пиб, участка ноziри олдига унга тилла- ларини қайтариб бериши учун вақт бе- ришини айтди. Участка ноziри “Ариза ёзинг” деган эди, у ялинишга тушди. Бо- лаларини ўртага қўйди. Пуллари топиб бераман, деб тилхат ёзиб берди. Аммо тилла тақинчоқлар исиз кетди.

Вазира Россияга мол таширди. Яъни, у вақо бодринг, помидор ва қўкатлар олиб борарди. Унга озроқ пул керак бўлиб қолди. Таниши Муҳаббатдан сўра- ди. Муҳаббат уни Муқаддаснига олиб

келди. Вазира тилла тақинчоқларини бе- риб 500 минг долларни бир ойга қай- тарди. Унга 550 минг доллар қилиб қай- тариб кераклиги ҳам уқтирилди. Вази- ра Россияга бориб келиб бу пуллари Муҳаббатдан бериб юборди. Аммо тил- ла тақинчоқларини қайтариб ололмади. Шундан сўнг улар тез-тез Муқаддасни- ки борадиган бўлишди. Бир кун эри уни ҳайдаб юборганини, ўртоғи Озода- никкида яшаётганини айтиб қолди ва те- лефон рақами ҳамда манзилини берди. Улар Озоданинг уйини зўрга топишди. Муқаддас аёлларни алдаб, жўнатиб юборди. Вазира яна уникига берди.

— Пуллар ва тилла тақинчоқлар Дил- шодда. Устига қўйилган фоизинглар ошиб кетибди.

— Қанақа фоиз? Пулингни бер- сак ярмини ўзинг қайтарибсанку? — дея ажабланиб сўради Вазира.

— 700 доллар берсангиз Дилшод тиллаларингизни қайтариб беради.

Вазира тиллаларини қайтариб олиш илҳизига уйдан 700 доллар олиб келди.

— Қани, йўлни бошла. Уша Дил- шоднингникига борамиз.

— Вой, эсим қурсин. Тилла- ларингиз Муҳаббат опамникига экан. Уша ёққа борамиз, дея ҳаммалари машинада кетишди.

— Ассалому алайкум. Кечирасиз, биз- нинг тиллаларимиз қани?

— Вой, қанақа тилла? Менда ҳеч қанақа тилла йўқ.

— Опа, ҳалиги бору, юринг нари- роққа ўтайлик, — дея Муқаддас уни дар- ҳол четга суриб, ўзаро гаплашиб олиш- ди.

— Эртагаёқ мен ўзим тиллаларин- гизни уйингизга олиб бораман, — деди Муқаддас. У Вазирани яна чув туширди. Ҳаттоки унга тилхат ҳам ёзиб берди. Аммо Вазира ханузгача 1000 граммлик тиллаларини оломай гафлатда қолди...

Шундай йўллар билан Муқаддас кўп-лаб содда аёлларни ўз тузюига ту- ширди. Тилла тақинчоқларни ва кийим- ларни сотиб, ўз эҳтиёжига ишлатиб юборди. У жабралувчиларга 12165000 сўм ва 6354 доллар миқдорда моддий зарар етказди.

Шу ўринда бир нарса кишини уйга со- лад: аёлларимиз шунчалар содда, лак- ма бўладиларми? Қандай қилиб ўз қўла- ри билан мол-мулкларини бир фирибгар- нинг қўлига осонгина топшириб қўяди- лар.

Озгина ҳақ-ҳуққимиз, қонун-қоидалар- дан хабардор бўлсак бўлмасмикан?

**Баҳром ЭРАТОВ,**  
**Мирзо Улугбек тумани прокурори,**  
**Хонбиби ҲИММАТ қизи,**  
**журналист**

**ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР**

**СУД ҚАРОРЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШ, СУДЛАР ФАОЛИЯТИНИ МОДДИЙ-ТЕХНИКА ЖИҲАТИДАН ВА МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНЛАШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУДУДИЙ БЎЛИМИ ТОМОНИДАН, ВАКОЛАТЛИ ОРГАНЛАР ҚАРОРЛАРИГА АССАН ДАВЛАТ ДАРОМАДИГА ЎТКАЗИШ ВА ҚАРЗ ҲИСОБИГА УНДИРИШЛИК УЧУН ХАТЛАНИ БАНД СОЛИНГАН ҚҲИИДАГИ АВТОМОТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ОЧИҚ КИМОШДИ САВДОЛАРИ ҲТКАЗИЛАДИ.**

**2005 йил 12 октябрь кунни кўйидаги автомо- тотранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилади:**

1. «Газ-53» автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 57-20 ТНМ, бошлангич нархи 199 430 сўм, техник носоз-Яккасарой — 2/4;
2. «Газ-3306» автомобили, 1993 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 47-33 ТНП, бошлангич нархи 1 212 741 сўм, техник носоз-Яккасарой — 3/4;
3. «Ваз-21063» автомобили, 1987 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 N 83-82, бошлангич нархи 1 360 000 сўм, техник носоз-Шайхонтоҳур — 148/4
4. «Иж-2715» автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошлангич нархи 1 232 138 сўм, техник носоз-Юнусобод — 77/1
5. «Москвич-412 ИЭ» автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 F 81-41, бошлангич нархи 409 600 сўм, техник носоз-Шайхонтоҳур — 574/13
6. «Митсубиси Паджеро» автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси M 15-25, бошлангич нархи 8 200 000 сўм, техник носоз-С.Рахимов — №164/4
7. «Ваз-2104» автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 K 90-74, бошлангич нархи 1 400 000 сўм, техник носоз-Юнусобод — №170/4
8. «Ваз-11113-Ока» автомобили, 1997 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси йўқ, бошлангич нархи 784 000 сўм, техник носоз-Миробод — 182/4;
9. «Газ-24» автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 F 49-11, бошлангич нархи

- 640 750 сўм, техник носоз-Яккасарой — 1031/13;
10. «Ваз-2106» автомобили, 1983 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси Д 05-16 ТН, бошлангич нархи 772 667 сўм, техник носоз-Яккасарой — 1030/13;
11. «Даймлер Бенц» автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 O 18-16, бошлангич нархи 5 300 000 сўм, техник носоз-Юнусобод — 189/1;
12. «Ваз-21063» автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 S 57-36, бошлангич нархи 750 000 сўм, техник носоз-Юнусобод — 209/4;
13. «М-412» автомобили, 1989 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 L 55-06, бошлангич нархи 228 000 сўм, техник носоз-Юнусобод — 208/4;
14. «Хундай Н-100» автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 J 70-16, бошлангич нархи 9 470 000 сўм, техник носоз-Худудий бўлим — 563/1;
15. «Газ-31029» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 AJ 305, бошлангич нархи 1 620 236 сўм, техник носоз — Юнусобод — 207/4;

**2005 йил 1 ноябрь кунни кўйидаги автомо- тотранспорт воситаларининг кимошди савдоси ўтказилади:**

1. «Газ-310200» автомобили, 1995 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 O 77-42, бошлангич нархи 1 678 000 сўм, техник носоз-Юнусобод — 243/4;
2. «Нексиа» автомобили, 1998 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 I 85-75, бошлангич нархи 4 000 000 сўм, техник носоз-Юнусобод — №244/4;
3. «Ваз-2102» автомобили, 1978 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 I 66-97, бошлангич нархи 1 200 000 сўм, техник носоз- Юнусобод — 245/1;

4. «Мерседес-Бенц-Д124» автомобили, 1992 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси В 772 OZM, бошлангич нархи 4 379 862 сўм, техник носоз- Юнусобод — 171/4;
  5. «Мерседес-Бенц-210» автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси В 476 SHM, бошлангич нархи 6 775 208 сўм, техник носоз- Юнусобод — 172/4;
  6. «Ваз-21011» автомобили, 1976 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 30 В 70-76, бошлангич нархи 300 000 сўм, техник носоз-Миробод — 9240/4;
  7. «Газ-2411» автомобили, 1988 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 G 4111, бошлангич нархи 500 000 сўм, техник носоз- Миробод — 9248/4
  8. «Ваз-2106» автомобили, 1982 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 11 R 40-33, бошлангич нархи 400 000 сўм, техник носоз-Миробод — 9248/4;
  9. «УАЗ-452Д» автомобили, 1981 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 A 85-18, бошлангич нархи 250 000 сўм, техник носоз-Миробод — 10240/4
- Кимошди савдолари соат 16-00да бошланади.**  
Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш кимошди савдоси бошланишидан 3 кун аввал тўхтатилади.  
Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш ҳафта- нинг душанба, чоршанба, жума кўнлари соат 12.00дан 18.00га қадар ишчи гуруҳ вакиллари томонидан амалга оширилади ва кимошди савдоси бошланишидан 3 кун аввал тўхтатилади.
- Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.**  
**Маълумот учун телефонлар:, 144-54-08, 41-16-38.**

«01»

**«ТИЛСИЗ ЁВ» ДАН ЭХТИЁТ БЎЛИНГ**

Ёнгин катта офат. Шунинг учун ҳам унга йўл қўймаслик керак. Агарда ҳар бир раҳбар, ишчи-хизматчи, уй эгалари, барча фуқаролар ёнгин хавфсизлиги қоидаларига тўлиқ амал қилишса, ана шу хавф раҳна сола олмайди. Чунки оловни ўчиришдан кўра, унинг олдини олиш афзалдир.

Аммо, ҳамма ҳам ёнгин хавфсизлиги қоида-табларига эътибор билан қарамайди. Ана шундай эътиборсизлик оқибатида қутилмаган ҳолларда кўнгилсиз ҳодисалар келиб чиқади. Масалан, сигарет чекиб уни ўчирмаслик ва дуч келган жойга ташлаб кетиш инсонларнинг ҳаётига зомин бўлмоқда.

Баъзан ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари хизмат тақозоси билан корхона, ташкилот, хонадонларда текширув ўтказганларида уларнинг эгалари ёнгин келтириб чиқариши мумкин бўлган носозликлар, айниқса, электр асбобларидан фойдаланишдаги эҳтиётсизликларни яшириб, биз ёнгин хавфсизлиги қоидаларига доимо риоя қиламиз, дея ёлгон гапирадилар, қўлбола иситиш асбоблари ва бошқа мосламаларни беркитиб ўз билганларидан қолишмайди. Охир-оқибат фалокат юз беради. Доно халқимизнинг «Олов — тилсиз ёв» каби ҳикматларини асло ёдимиздан чиқармайлик. Улар замиридаги ҳаётий талабларга амал қилайлик. Ёнгин фавқулдда ҳодиса, лекин унинг олдини олиш ўз қўлимиздадир.

**Шожалил ШОНАЗАРОВ,**  
12-ҳарбийлаштирилган Ёнгин хавфсизлигиотряди  
2-алоҳида пост катта инспектори, капитан

*Спорт*

**ДИЛШОД МАНСУРОВ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ**

Эркин ва юнон-рум кураши энг қизиқарли ҳамда оммавий спорт турлари қаторига кирилади. Буни Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида бошланган эркин ва юнон-рум кураши бўйича катталар ўртасидаги жаҳон чемпионати яна бир қарра исботлади. Зеро, ушбу нуфузли турнирда жаҳоннинг 140 га яқин мамлакатидан келган полвонлар баҳс юритмоқда.

Шуни қувонч билан таъкидлаш жоизки, мусобақанинг дастлабки кунлёт барча ҳамюртларимизни бениҳоя шод этадиган воқеа рўй берди. Хали нисбатан ёш (22 баҳорни кўрган) бўлишига қарамай Москвада ўлказилган Бутунжаҳон ўсимирлар ўйинлари ҳамда Осиё ўйинларининг ғолиби, ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони, 2003 йилда АКШда бўлиб ўтган катталар ўртасидаги жаҳон чемпионатининг ғолиблигига эришган эркин курашчиларимизнинг етакчиси Дилшод Мансуров аҳойиб тарзда барча рақиблари ус-

тидан кетма-кет галаба қозонган ҳолда иккинчи бор шундай нуфузли мусобақада ҳурмат шохрасининг энг юқори поғонасидан жой олди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, 55 килограммгача вазнда иштирок этган Дилшод финалда тақрибали болгариялик курашчи Радослов Великов билан куч сынашиб, рақибни устидан соф галабага эришгани ҳолда мухлис мутахассислар эътиборини қозонди. Шу тариқа нуфузли мусобақаларда мамлакатимиз спортчисининг галабаси муносабати билан дав-



латимиз мадҳияси янграб, юртимиз байроғи мағрур ҳиллиради.

Ишонамизки, Д.Мансуровнинг чиройли галабасидан руҳланган бошқа эркин ва юнон-рум кураши устларимиз ҳам жаҳон чемпионатида муносиб иштирок этишди ва мамлакатимизга дедаллар шодаси билан қайтишди.

(Ўз мухбиримиз)

*Фавқулдда вазиятлар бошқармаси фракциясида*

**«СУВДА ҚУТҚАРУВ ГУРУҲИ» САБЪ-ҲАРАКАТЛАРИ БИЛАН**

Тошкент шаҳар Фавқулдда вазиятлар бошқармасининг тезкор навбатчи қисмига берилган Хамза тумани, Фарғона йўли кўчаси, 106-ўйда яшовчи О.Солиевнинг аризасига кўра, Хамза тумани, Фарғона йўли кўчасининг остидан оқиб ўтувчи Баратхўжа канали қувурида номаълум одам жасади борлиги айтилганди. Ушбу ҳолат Тошкент шаҳар Фавқулдда вазиятлар бошқармасининг сержант Мансур Бектуров бошчилигида «Сувда қутқарув гуруҳи» қутқарувчи-ғаввослари томонидан текширилди ҳамда махсус асбоб-анжомлар орқали қутқарувчилар қувурнинг 35-40 метри ичкараси, чуқурлиги 1,5-2 метр бўлган жойидан номаълум жасади олиб чиқиб, Хамза тумани ички ишлар бошқармаси ходимларига топширдилар.

Тошкент шаҳар Фавқулдда вазиятлар бошқармаси навбатчи-диспетчерлик хизматида Юнусобод тумани, 9-даҳасидан оқиб ўтувчи Қорақамиш каналда номаълум эркак кишининг жасади борлиги ҳақида Юнусобод тумани ички ишлар бошқармаси тезкор навбатчиси майор Устабоевдан хабар тушди. Шаҳар Фавқулдда вазиятлар бошқармаси сержант Мансур Бектуров бошчилигида «Сувда қутқарув гуруҳи» қутқарувчи-ғаввослари томонидан жasad сувдан олиб чиқилди ва туман ички ишлар бошқармаси ходимларига топширилди.


Тошкент шаҳар Фавқулдда вазиятлар бошқармасининг тезкор навбатчи қисмига Учтепа тумани, Шарқ кўчаси, 25-ўйда яшовчи 1987 йилда туғилган Маҳаммад Толипов Учтепа туманидан оқиб ўтган Бўзасув каналда чўкиб кетганини тўғрисидаги Р.Нурматовнинг

аризасига кўра, шаҳар Фавқулдда вазиятлар бошқармаси ходими, катта лейтенант Ҳусан Бобонов бошчилигида «Сувда қутқарув гуруҳи» қутқарувчи-ғаввослари томонидан сув ости кидирув ишлари олиб борилди. Кидирув ишлари натижасида М.Толиповнинг жасади топилиб, Тошкент вилоят Ички ишлар бошқармаси ходимларига топширилди.

Тошкент шаҳар Фавқулдда вазиятлар бошқармасининг тезкор навбатчи қисмига Шайхонтоҳур тумани, М-5 мавзесидан оқиб ўтувчи Бўзасув каналда номаълум жasad борлиги ҳақида Шайхонтоҳур тумани ички ишлар бошқармаси ходимидан хабар тушди. Шаҳар Фавқулдда вазиятлар бошқармаси «Сув қутқарув гуруҳи» бошлиги сержант Мансур Бектуров бошчилигида қутқарувчи-ғаввослар томонидан сувдан 30-35 ёшлардаги номаълум эркак жасади олиб чиқилди ва туман ички ишлар бошқармасига берилди.

Тошкент шаҳар Фавқулдда вазиятлар бошқармасининг тезкор навбатчи қисмига Собир Раҳимов тумани, Қорасарой кўчасидан оқиб ўтувчи Қичирик каналда одам жасади борлиги ҳақида туман ички ишлар бошқармаси тезкор навбатчиси катта лейтенант Бердиевдан хабар тушди. Сержант Мансур Бектуров бошчилигида «Сувда қутқарув гуруҳи» қутқарувчи-ғаввослари томонидан 1964 йилда туғилган Собир Раҳимов тумани, Янгивер кўчаси, 30-хонадонда яшаган Қодир Абдузимовнинг жасади сувдан олиб чиқилиб, Собир Раҳимов тумани ички ишлар бошқармаси ходимларига топширилди.

**Хуснияхон ТОҶИБОЕВА**



Қара-чи, хотин «яримта» синмабдимми?

Абдурасул Ҳақимов чизган расм.



**Бош муҳаррир**  
**Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар:  
133-28-95, 136-57-65.  
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажин — 2 босма табоқ объект устула босилди.  
2496 нускада босилди. Қозғо биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимидаги ёки «Тошкент почта»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилиниши мумкин.

Газета «Тошкент оқишони»нинг компьютер маркасида терилди ва сақланган.  
«Шарқ» нашрийёт-маъбада акционерлик компанияси бошқармаси.  
Корхона манзили: «Буёқ Тур» кўчаси, 41-уй.